




ВАТАНУ ЭЛИМ ДЕБ, КИМ ЁНИБ ЯШАР, КЕЛАЖАҚДА УНИ ОЛҚИШЛАР БАШАР!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

12 июль, жума, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 140 (1393)

ҲАКАМЛАРГА ОСОН БЎЛМАЯПТИ

Ўзбекистон Мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним меним» кўшиқлар кўрик-танлови охирида қолди.

Санокчи, кўндалдан сўнг ҳал қилувчи, яқунловчи босқич ниҳояланиб, голиблар аниқланди.

Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси ва Бастакорлар уюшмасининг ҳамкорлигида ҳаммақола иш кўришлари натижасида кўрик-танловнинг барча босқичлари кўнгилдагидек ўтди. Унда юзлаб санъаткорлар — профессионал кўшиқчилар ҳам, хаваскор хонандалар ҳам ўзларининг Ватан ва истиклол ҳақидаги кўшиқлари билан иштирок этишди.

Ҳакамлар ҳайъатига тўрт йил давомида (1991-1995 йиллар) яратилган кўшиқларни саралаш осон кечмапти. Негизи, ушбу танловда республикамизнинг кўзга кўринган, танкичи қаламкашлари, бастакорлари ўзларининг гузал асарлари билан катнашадиган бўлсалар, эндигина адабиёт ва санъат йўлидан бораётган қўндал-қўндал иста...

долдларнинг асарлари ҳам машҳурларникидан қолишмаслиги маълум бўлди. Уларнинг барчаси ҳам мустақил юрт, она-Ватан ҳақида зўр самимият билан, дилдан ижод этишган. Шунинг учун бўлса керак, бир-биридан ўтадиган кўшиқлар кўп.

Умуман, Ватан ҳақидаги кўшиқларнинг яхши-ёмони бўлмас керак. Уларнинг ҳаммаси ҳам худди Ватандек севимли бўлди. Айниқса, сўзи ва мусиқиси Ватан синағи гузал кўшиқлар абади кўшиқлардир. Улар ҳаммиса ҳамма жойда халқ томонидан хиргой қилинади.

Кўрик-танлов республикамиз ҳаётидаги наватдаги янгилик бўлди. Мазкур танлов натижасида янги даврдаги кўшиқлар яратилди, кўндал-қўндал истаёдоллар кашф этилди. Эзгуликка йўғрилган янгилик хайрлидир.

«Халқ сўзи» мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ ХУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 11 июль кўни Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жан Клод Ришарни қабул қилди.

Элчи Жан Клод Ришар Ўзбекистон давлат раҳбарига Франция Республикаси Президенти Жак Ширакнинг шайхсий номинани топширди.

Сўбат чоғида Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги муносабатларнинг тобора ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 июль кўни Бельгия қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жан Клод Ришарни қабул қилди.


Президент Ислам Каримов М. Адамнинг Ўзбекистондаги элчилик фаолияти гоёт самарали ўтганини қайд этар экан, Ўзбекистон-Бельгия муносабатлари мустақамла-нишида унинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлади.

М. Адам қабул учун Президентга миннатдорчилик билдирар экан, ўзининг Ўзбекистондаги элчилик фаолияти гоёт қизиқарли ва самарали бўлганидан мамнун эканлигини изҳор этди. Қўнғилда бу серкўб юрт, унинг бағри кенг халққа ниҳоят муҳаббат янада ошганини таъкидлади.

Қабулда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: қабул пайти. А. ТУРАЕВ ва Р. НУРИДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 июль кўни Бельгия қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жан Клод Ришарни қабул қилди.

Президент Ислам Каримов М. Адамнинг Ўзбекистондаги элчилик фаолияти гоёт самарали ўтганини қайд этар экан, Ўзбекистон-Бельгия муносабатлари мустақамла-нишида унинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлади.

М. Адам қабул учун Президентга миннатдорчилик билдирар экан, ўзининг Ўзбекистондаги элчилик фаолияти гоёт қизиқарли ва самарали бўлганидан мамнун эканлигини изҳор этди. Қўнғилда бу серкўб юрт, унинг бағри кенг халққа ниҳоят муҳаббат янада ошганини таъкидлади.

Қабулда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: қабул пайти. А. ТУРАЕВ ва Р. НУРИДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Факт ва шарҳ КИНОСАНЪАТКОРЛАР КЎНГЛИДАГИ ГАП

Темурмалик ЮНУСОВ, «ЎЗБЕККИНО» давлат-акционерлик компанияси раиси:

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда матбуотда эълон қилинган буюк давлат арбоби, маданият ва санъат ҳомийси Амир Темурнинг дунё тарихида тутган ўрни ҳамда теурийларнинг илм-фан, маориф ва маданият тараққитига қўшган беқиёс ҳиссаларини тарғиб этиш, келажак авлодларни миллий қадриятларга чекиз хурмат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадидаги фармойиш Ўзбекистон киносанъаткорларининг кўнглидаги гап бўлди. Бу фармойиш биз киночилар зиммасига катта масъулият ва вазифалар юклайди.

Маълумки, буюк бобоқалонимиз Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейини нафақат биз, балки бутун жаҳон аҳли нишонлаяпти. Бугунги кунда жаҳон танийдиган бобоқалонимизнинг номини бир пайтлар — ўша маълум тоталитар тузум даврида тилга олиш, улуғлаш қийин эди. Бунга йўл қўйилмасди. Фақатгина мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий қадриятларимизга бўлган муносабат тамоман ўзгарди.

Мана бир неча йилдан буён, айниқса шу йил оммавий ахборот воситаларида соҳибқирон ҳақида жуда кўп илмий-тарихий, қизиқарли материаллар берилди ва берилмоқда. Бундай хайрли ишда Ўзбекистон киносанъаткорлари ҳам иштирок этмоқда, улар Амир Темурнинг кўндал-қўндал қирралари ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар яратиб, халқимизга тақдим қилишлари лозим эди. Фармойиш бўйича «Темур» тарихи давлат музейида намойиш этиладиган илмий-оммабоп ҳужжатли фильмлар кўрик-танловининг эълон қилиниши шу жиҳатдан ҳам жуда қадри-дир. Бу кўрик-танловдан кўзланган мақсад — буюк давлат арбоби, маданият ва санъат ҳомийси Амир Темур ҳамда теурийларнинг дунё тарихида тутган ўрни, жаҳон цивилизацияси — Уйғонмиш даври маданиятига қўшган муносиб ҳиссаларини тарихий манбалар асосида батафсил, кенг ёритишдан иборатдир. Мазкур талбирнинг муваффақиятли ўтиши учун тегишли вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Яратилажак фильмларнинг ниҳоятда қизиқарли, бадиий савияси юқори бўлиши учун республикамизнинг таниқли теурийшунос олимлари, тарихчилари, санъаткорлари жалб этилган.

Дарҳақиқат, фармойишнинг 1-иловасида эълон қилинган кўрик-танлов ҳайъатининг таркиби ва 2-иловадаги кўрик-танлов низоми талаблари кўрик-танлов шарофати билан яратилажак ўнлаб фильмларнинг томошабинлар оmmasи томонидан зўр қизиқиш билан илиқ кутиб олиншидан, уларнинг кўнғилда миллий гурур, ватанпарварлик каби эзгу туйғуларни уйғотишдан далолат беради.

«Халқ сўзи» мухбири
Алижон АБДУРАҲМОНОВ ёзиб олди.

ИШОНЧ ЁРЛИГИ ТОПШИРИЛДИ

Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Шаарани бин Хожии Иброҳим 11 июль кўни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

Президент Ислам Каримов Шаарани бин Хожии Иброҳимни янги лавозимга тайинлангани билан табриқлар экан, унинг Ўзбекистондаги элчилик фаолиятига муваффақият тилади ва икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшишига умид билдириди. Юртбошимиз 1992 йилда Ўзбекистон давлат делегациясининг Малайзияга ва 1993 йили Малайзия Бош вазири Махатхир Муҳаммаднинг республикамизга ташрифи икки мамлакат муносабатлари ҳуқуқий заминини яратганини таъкидлади.

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганига хали кўп вақт бўлгани йўқ, — деди Ислам Каримов. — Лекин ана шу қисқа давр ичида Ўзбекистон ва Малайзиянинг савдо-иқтисодий ва дўстона алоқалари тез суръатлар билан тараққий топаётгани кўзланган.

Ишонч ёрлигини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИГИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАЛАЙЗИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ШААРАНИ БИН ХОЖИ ИБРОҲИМ

Ташқи ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғининг ассистенти.

1979-1982 йилларда — Малайзиянинг Багдодаги (Ироқ) элчихонасида биринчи котиб.

1982-1986 йилларда — Малайзия Ташқи ишлар вазирлиги иқтисодий бошқармаси бошлиғи.

1986-1988 йилларда — Малайзиянинг Жакартадаги (Индонезия) элчихонасида масъул котиб.

1988-1989 йилларда — Малайзия Ташқи ишлар вазирлиги сиёсий бошқармаси бошлиғи.

1989-1990 йилларда — Малайзия Ташқи ишлар вазирлиги АСЕАН бошқармаси иккинчи бош директорининг ўринбосари.

1990-1992 йилларда — Малайзиянинг Пекиндаги (Хитой) элчихонасида вазир-элчи.

1992-1995 йилларда — Малайзия ташқи ишлар вазирлиги молия бошқармаси бошлиғи.

1996 йилда Малайзия подшоҳи Шаарани Бин Хожии Иброҳимни Малайзиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган.

1975-1977 йилларда — Малайзиянинг Гаагадаги (Нидерландия) элчихонасида иккинчи котиб.

1977-1979 йилларда — Малайзия вазирлигининг матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ ТЎҒРИСИДА

- 1996 йил 27 июндаги ПФ-1193-сон Фармоннинг 4-банди қисман ўзгартирилиб, пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ қайтадан тасдиқланган.
- Пул-кредит сиёсати бўйича комиссия нақд пул муомаласининг ва республика халқ ҳўжалигига ҳисоб-китобларнинг ҳолати, ҳўжалик юритиш субъектлар томонидан валюта операцияларини ўтказиш тартибига қатъий риоя этилиши ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларини ривожлантиришга ажратилаётган кредитлардан аниқ мақсад йўлида фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш борасида чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини таъминласин.
- Комиссия таркибида қуйидаги ишчи гуруҳлари ташкил қилинсин:
 - валюта ресурсларининг манбалари ва уларни тўлдириш захиралари бўйича;


ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

- Муллажонов Ф. М. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруvinинг раиси, комиссия раиси
- Гуськова Т. Н. Молия вазирлигининг биринчи ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари — валюта ресурсларининг манбалари ва уларни тўлдириш захиралари бўйича ишчи гуруҳ раҳбари
- Нурмурадов М. Б. Марказий банк бошқаруvin раисининг биринчи ўринбосари — пул-кредит сиёсати ва пул эмиссиясини камайтириш бўйича ишчи гуруҳ раҳбари
- Ғафуров Ш. Р. «Ўзистикболстат» давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари — инвестиция дастурлари бўйича ишчи гуруҳ раҳбари
- Савидова Г. К. «Ўзистикболстат» давлат қўмитаси раисининг ўринбосари — истеъмол бозорининг таъминлиниши ва баланси бўйича ишчи гуруҳ раҳбари
- Иброҳимов Ш. А. Ўзбекистон Республикаси Президентини девонининг етакчи консультанти, комиссия котиби
- Асқаров М. А. Ўзбекистон Республикаси Президентини девонини назорат инспекциясини раҳбарининг ўринбосари
- Одиллов А. А. «Асака-банк» бошқаруvin раиси
- Азимов Р. С. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруvin раиси
- Ан Г. Ю. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруvin раисининг биринчи ўринбосари
- Алимуллаев У. Х. «Ўзсавдогарбанк» бошқаруvin раиси
- Ахмедов М. А. «Ўзтадбиркорбанк» бошқаруvin раиси
- Гатулини Ш. Қ. Давлат солиқ қўмитасининг раиси
- Галишев В. А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1996 ЙИЛ 11 ИЮЛДАГИ ФАРМОНИГА ИЛОВА

15. Ғаниев Э. М. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг биринчи ўринбосари
16. Жумагайдиев М. Марказий банк бухгалтерия ҳисоби ва давлат бюджетни касса иқтисодиёти департаменти директори
17. Қорабоев Ф. Молия вазирлиги пул-кредит сиёсати бошқармаси бошлиғи
18. Каримов Р. К. Вазирлар Маҳкамаси умумиқтисодий бўлимининг мудири
19. Қозлова Н. П. «Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруvin раисининг ўринбосари
20. Мирсафоев С. М. Ўзбекистон Республикасини ақлия вазири
21. Мустафоев Б. М. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори
22. Муҳиддинов Н. Ф. Халқ банки бошқаруvin раиси
23. Муҳидов А. А. Вазирлар Маҳкамаси ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаментининг бошлиғи
24. Набиев У. Н. Вазирлар Маҳкамаси халқ истеъмоли моллари, савдо ва пулли хизмат кўрсатиш бўлимининг мудири
25. Понадюк Н. К. «Ўзистикболстат» давлат қўмитаси ҳузуридаги товар бозорлари конъюктурасини ўргануvin марказ директори
26. Раҳмонов А. Марказий банк пул-кредит сиёсати департаменти директори
27. Сайфиддинов Ж. Б. «Пахтабанк» бошқаруvin раиси
28. Халилов Б. Э. «Ўзистикболстат» давлат қўмитаси раисининг ўринбосари
29. Орпов С. О. Бош божхона бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

ЯНГИЛИКЛАР ЯНГИЛИКЛАР



«Қашқадар» — Лада» ҳиссасдорлик жамиятида шу пайтгача фақат «Жағул» тишидаги енгил автомобилларга техник хизмат кўрсатиларди. Ҳозирда бу ерда аҳоли хўжалиқларини ҳисобга олиб, барча турдаги енгил автомобилларни таъмирлаш йўлига қўйилди.

СУРАТДА: уста И. Қаримов.

III. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

САРҲИСОБ

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши сессияси бўлди. Унда 1996 йил олти ойлик иш якунлари ҳамда иқтисодий ислохотларнинг бориши ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Сессияда ўтган давр мобайнида эришилган ижобий натижаларга муносиб баҳо бериш билан бирга асосий эътибор мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилди. Жумладан, вилоятда чет эл инвестициясини жалб этиш, янги қўшма корхоналар ташкил этишда суъташликка йўл қўйилмоқда. Чет мамлакатларга пахта толаси ва айрим қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини чиқариш билангина чекланиб қолинмоқда.

Вилоят ҳокими Ж. Норалиев сессияда сўзга чиқди.

Сессияда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

МАШИНАЛАР «САМКОЧАВТО»ДА ЙИГИЛАДИ

«Ўзавтосаноат» уюшмаси билан Туркиянинг «Коч холдинг» концерни ўртасида тузилган шартномага мувофиқ Самарқандда янги қўшма корхона ташкил этилди.

«Самкочавто» деб номланган бу корхонада ўрта ҳажмдаги автобус ҳамда саккиз тоннагача юк торта оладиган машиналар чиқарилади. Шу мақсадда шаҳардаги «Автовазпрегит» заводи қайта жиҳозланмоқда, зарур асбоб-ускуналарни Туркия томони етказиб бераётди. Янги корхонада шу йилиёқ дастлабки машиналар йиғилад бошлайди.


UZINFO MARKAZI

ДУНИЁ : ЭНГ СУНГГИ ВОҚЕАЛАР

ОҚ УЙДА УЧРАШУВ

ВАШИНГТОН. Оқ уйда АҚШ Президенти Билл Клинтон Польша Президенти Кваснецкийни қабул қилди.

Президент Клинтон Қўшма Штатлар билан Польша ўртасида «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасида қалин муносабатлар ўрнатилганини таъкидлаб, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларга катта баҳо берди. Клинтон НАТОнинг Шарққа томон кенгайтириш масаласига тўхталиб, бу борада декабрь ойида наватдаги қадамлар қўйилади, деди.



Японияда ана шундай тезюрар поездлар ҳаракат қилаяпти.

ДАВЛАТ КОТИБИНИНГ БЎЛАЖАК САФАРИ

ВАШИНГТОН. АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофернинг Австралия, Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари бўйлаб қиладиган сафари ҳақида давлат департаменти вакили Николас Бэрнс баёнот берди.

Кристофер Постминистр конференциясида ва регионал форумда идораларга делегация бошчилиги қиладди. Сўнг эса Австралия пойтахти Сиднейга келиб, АҚШ ва Австралия ўртасида министрлар даражасида олиб бориладиган музокараларда иштирок этади. Давлат котибига мазкур сафарда мудофаа вазири Уильям Перри ҳамроҳлик қиладди.

ШАРТНОМА МАТНИ ЎРГАНИЛМОҚДА

ЖЕНЕВА. Куролсиланиш бўйича ўтаётган конференцияда АҚШ вакили, элчи Стивен Ледогар Вашингтонда ядро қуроли синовини бутунлай таъқиқлаш бўйича шартнома матни зудлик билан ўрганилмоқда, деди. Ушбу шартнома лойиҳаси бутун дунё мамлакатлари пойтахтларига жўнарилган эди.

МУДОФАА ВАЗИРИ МИННАТДОРЧИЛИК ИЗҲОР ҚИЛДИ

БУДАПЕШТ. Венгрияга ташриф буюрган АҚШ мудофаа вазири Перри Боснияда тинчлик шартномаларини бажариш кучларида Венгриянинг фаол иштироки ва ана шу кучларга кўрсатаётган хизмати учун Венгрия ҳўкуматиға миннатдорчилик билдирди.

Мудофаа вазири журналистларнинг Венгрия 1999 йилга қадар НАТО аъзолигига қабул қилинадими, деган саволга бу масала ҳуеусида мен эмас, НАТОнинг 16 та аъзоси бўлган мамлакатлар раҳбарлари қарор қабул қилишди, деди. Ҳозирча эса, Венгрия НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурида фаол иштирок этмоқда, деб баёнот берди мудофаа вазири.

(ЮСИА).

Бугун «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида

Нафақат Андижон, балки Наманган ва Фарғона вилоятлари қишлоқлари ва шаҳарларидан завод томон ўн икки йўналишда одамлар ишга қатнашади. Шулардан энг узун (70 километр) Фарғонадан.

Бундай ҳислатлар ушбу заводда айниқса асқотади. Негачи, бу ерда иш кунини 10соат қилиб белгиланган. Апрель ойидан бугунга иш вақтидан ортиқча икки соат учун икки ҳисса ҳақ тўланмоқда.

қанчаллик ёрдам бўлаётгани ойдинлашади. Биз Фарид Ялпаров билан тушлик қилиб утириб суҳбатлашдик. У ўз бўлини масида нусха кўчириш техникаси учун масъул. Бир пайтлар Тошкент трактор заводининг филиалида ишлаган экан.

чакитиш ноқулай бўлар экан. Лекин начора, касбимиз шунга тақозо этади. Хусан ОТАХОНОВ, пресслаш пехи оператори: — Ўзбекистонда автомобил-созлик тармоғининг тутилишига алоқадор эканлигимдан фахрланаман. Бу ерда кўп нарса ўргандим: энди қандай ишлаш мумкин ва лозим эканлигини жуда яхши биламан.

4. МЕҲНАТ КИШИСИНИНГ ЯНГИ МЕНТАЛИТЕТИ ТУГИЛМОҚДА



Ҳар кун, маълум бир вақтда корхона эшигига ўнлаб автобус келиб тўхтади. Улардан автозаводнинг фирма белгиси босилган кўк-зангори рангли коржома кийган ишчилар тушишади.

интизом шундан бошланган бўлса ажаб эмас. — Коржоманинг нархи 31 доллар, — тушунтиради маъмурият директори вазифини бажарувчи С. Усеинов. — Ишга қабул қилиш пайтида коржомани ўзгаларга бериш ёки сотиш мумкин эмаслиги албатта писанда қилинади. Сабаби тушунарли — айрим кимсалар ундан гаразли мақсадларда фойдаланиши мумкин.

қуқуқига эга. Аммо дам олиш кунлари асосан ускуналарни профилактик назоратдан ўтказувчиларгина ишга чиқадилар. — Шундай шартлар қўйилгани билан коржомани ишга келишга рози бўлишяптими? — Ҳар бир ўринга 4-5тадан ариза бор. Бинобарин, танлов жуда қатъий. У тиббий кўриклдан бошланади. Сўнг суҳбат уюштирилади. Шуларнинг натижаларига қараб, ишга олиш-олмастик масаласи ҳал этилади.

даб бўлмади қолди, кетдим, — дейди у. — Ишлаб чиқариш жўн, ускуналар эскириб кетган эди. Хусусий фирмага ишга ўтдим. Кейин мана шу корхонада юз бераётган ўзгаришлар эътиборимни тортди. 95-йилнинг январидан шу ерда ишляяпман. — Қандай ўзгаришларни кўрдигиз? — Янги заводга ишга келганлигимни аниқ ҳис этдим. Бу ерда ҳамма нарса мен учун мутлақо бошқача эди. Дарвоқе, сиз бу ерда самолётда келдингизми? — Йўқ, поезлда. — Афсус. Ҳаво трассаси айнан заводимиз устидан ўтади. Кўм-кўк дарахлар қўйнидаги корхонамизнинг тўқ сариқ рангли корпуслари омондан кўзга жуда чиройли кўринади.

«Мизда ҳам шундай шарт-шароит яратилди, юсак касб-маломатига ўргатиш лозим. Қолаверса, Жанубий Кореяда ўқиб келиш анчагина сарф-харажат талаб этади. Эҳтимол, корейс мутахассислар ўқувни шу ерда ташкил этишса ҳам бўларди. — Шундай қилса ҳам бўларди, — дейди С. Усеинов. — Лекин улар бундай корхонада ишлаётган одам нафақат ускуналарни билиши ва технологик жараёнларни бошқара олиши, балки ўзга мамлакатнинг ҳаёти, одамларнинг турмуши, расм-русуми ва анъаналари, ҳатто, юртингнинг табиати билан танишиши лозим, деб ҳисоблайдилар. Ана шунда инсон ишлаб чиқариш жараёнига чинакамга қўриб боради, нафақат ўз жамоаси, балки ўша юртинг жам аъзосига айланади. Ана шунда корхона ҳам том маънода қўшма корхонага айланади. Демак, сарф-харажат ҳам беҳуда кетмай, ўзини оқтайди. Мана шу гаплардан сўнг С. Икромовнинг биз билан суҳбатлаган чоғида «Бизда ишчиларнинг янги менталитети вужудга келаяпти» иборасини қайси маънода ишлатганини ойдинлашди. Кўк-зангори коржоманинг бу оқий йигитлар нафақат заводда, балки Асака шаҳрида ҳам ажралиб туришди. Шаҳар ҳокими М. Солиқовнинг эътирофи этишича, автозаводнинг бунёд бўлиши билан шаҳарда жиноятчилик кескин камайди, энди эса майда безорилик ҳам «фавқулодда ҳолат» деб ҳисобланади.

ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

Наманганда вилоят фаоллари йиғилиши бўлди. Йиғилиш иштирокчилари ўтган ярим йилда вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якуналарини муҳокама қилишди, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни таҳлил қилиб, уларни янада тезлаштириш йўлларини белгилашди.

Хамкорлик робиталари жаҳон бозорига шайланаётган «ЗАФАР»

«Зенит» заводда иккита қўшма корхона иш бошлади. Улардан бири «Зафар» ўзбек-хитой қўшма корхонаси бўлиб, унда бетакрор ташқи кўринишга, ўз хусусиятига эга бўлган рангли ва оқ-қора тасвирли телевизорлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Корхонамиз энди тўрт йилга қадим бўлди, — дейди унинг раҳбари Шавкат Бобомухамедов. — Шу қисқа даврда бир неча минг дона телевизорлар ишлаб чиқардик. — Жамоанинг бутунлиги қандай аҳволи, галдаги режалар ҳуусида нима дед олдингиз? — «Зафар» телевизорлари умумжаҳон стандартлари талабига жавоб бера олгани ҳам корхонанинг қай йўсинда ишлаётганини исхоблаб турибди. Балки, галимни бироз мақтангана йўяётгандирсиз, майли-ку. Лекин ҳозирча харидорлардан эътироз эшитганимиз йўқ. 470 метри, замонавий технология линияда терилиб, синновдан ўтказилди, сотувга чиқарилаётган «Зафар» телевизорлари ўз қулайлиги, бежиримлиги ва бошқа хусусиятлари билан қозонистонлик ва россиялик ишбилармонлар, бизнесменлар назарига ҳам тушиди.

Галдаги режаларга келсак, 1997 йилдан бошлаб, харидорлар талабидан келиб чиққан ҳолда, 54 см. 72 см. диагоналли, рангли, 35 см. 37 см. диагоналли, оқ-қора тасвирли телевизорлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўямиз. Аудио ва видео техникалар тайёрлашга киришамиз. — Бутун жаҳон бозорининг олди Америка ва Япония видео техникалари бўлиб қолди. «Зафар» қачон жаҳон бозори расталарига чиқари?

— Бизнинг ҳам бирдан-бир орзуимиз шу. Мамлакатимиз Президентининг шу йил 31 майдаги «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бунда бизга беҳад катта йўллар очини, шубҳасиз. Ушбу ҳужжат умуман тадбиркорликни янада кенг ривожлантиришга қаратилган. «Зафар»ни жаҳон бозорига чиқариш учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Олайлик, телевизорларнинг дизайни талабларига тўлиқ жавоб бериши, масофадан туриб бошқарилиши, техник имкониятлари кенглиги учун ҳам бешинчи авлодга мансублиги кўпчилик хорижликларнинг эътиборини ўзига жалб этапти. — Ўзбек-Хитой халқларининг биродарчилик илдизла-

МАМЛАКАТИМИЗ ЯНГИ ТАРИХИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА

АЙНИ ДАМДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИТАЛИЯ ҲАМДА АМЕРИКАГА ТАШРИФИ, ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЎРТАСИДА ШЕРИКЧИЛИК ВА ҲАМКОРЛИК Тўғрисидаги БИТИМНИНГ ИМЗОЛАНИШИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЯНГИ ТАРИХИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА СИФАТИДА КЕНГ БАҲОЛАНМОҚДА. БУ ТАХРИРИЯТИМИЗГА ҲАР КУНИ КЕЛАЁТГАН ЎНЛАБ МАКТУБУ ШОШИЛИНЧНОМАЛАРДА ҲАМ КЕНГ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН.

КАТТА ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТАДИ

Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият сари интеграциялашуви йўлида катта имкониятлар яратади. Бунинг яна бир муҳим сиёсий жиҳати шундан иборатки, Президентимиз таъкидлаганидек, «...бу ҳужжат қачондир айтылган «Ғарб ғарблигича, Шарқ шарқлигича қолаверади, ҳеч қачон уларнинг қони қўшилмайди», деган гапни ҳам чипакка чиқаради. Бу айтмаган фикрда катта фалсафий маъно бор. Зеро, Ер шарининг келажаси маълум бир давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигидан эмас, балки Ғарб билан Шарқнинг ўзаро муносабатларидан ҳам белиқибди. Шунинг учун ҳам узоқни кўрувчи жаҳон сиёсатчилари бузғини кунда бу масалага катта эътибор қаратмоқдалар.

ЁШ ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЯНА БИР ДАДИЛ ҚАДАМИ

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган битим жаҳондаги йирик ахборот маҳкамалари томонидан кенг ёритилганининг ўзиёқ мазкур ҳужжат аҳамиятининг нечоғлиқ муҳим эканлигини кўрсатади. Зеро, битимда томонлар ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг бутун бир мажмуи қамраб олинган. У молиявий, илмий-техник соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш учун катта имкониятлар очиб беради. Умуман, мамлакатимиз Президентининг Италия ва Америкага қилган ташрифини, уларнинг муваффақиятли натижаларини ёш Ўзбекистон дипломатиясининг яна бир дадил қадами сифатида баҳоламоқ лозим. Комилжон РЎЗИМОВ, Хоразм вилоятидаги Тумўйин гидроэлектр станцияси бош муҳандиси.

ЎЗАРО ИНТИЛИШЛАРНИНГ САМАРАСИ

Ҳозирда мамлакатимиз ҳукумати Европа давлатлари билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш йўлидан бормоқда. Негачи, ушбу мамлакатларнинг бозор иқтисодиёти битимнинг имзоланиши билан демократик давлат куриш борасидаги кўп йиллик тажрибалари бизга қўя келади. Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши ана шу ўзаро интилишларнинг самараси бўлиб, десак муболага қилмаган бўламиз. Мамлакатимиз билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган ушбу битим, шунингдек, АҚШ каби иқтисодий бақувват мамлакат билан алоқаларимизнинг мустақамлалини келажаска бўяган ишончлигини янада оширади. Чунки бундай ҳамкорлик натижасида юртимизга чет эл сармоядорларининг кириб келиши жаддалашади. АҚШ билан иқтисодий муносабатларнинг нечоғлиқ фойдали эканлигини ўз тажрибамизда кўриб турибмиз. Ҳозирги гапла урим-йилғими кучайган бир пайтда океан орти мамлакатда ишлаб чиқарилган «Кейс» комбайнлари деҳқонларимиз оғирини енгил қилмоқда. Шоқиржон СОЛИЖОНОВ, Богдад туманидаги машина-трактор парк директори.



ТУМАНДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Избоскан туманидаги «Пойтут» кооперативи бирлашмасида теннис мажмуи ишга тушди. Иккита очиқ ва битта усти ёпиқ кортда ўсимирлар, ҳужалик деҳқонлари ҳамда бошқа теннис иштирокчилари бу янги спорт тури билан астойиб шуғуланмоқда. Туман маркази — Пойтутда ҳам барча қулайликларга эга бўлган иккита очиқ теннис корти қурилиши бошланди. Улар ҳам йил охиригача ишга туширилади. Туманининг аҳоли энг гажум бўлган Чум ва Тўртқул қишлоқларида футбол стадионлари қурилиши туғилмоқда. Стадионларда футбол майдонидан ташқари спортнинг ўнлаб турлари билан шуғулланишга имкон берилган майдончалар ҳам бўлади.



ИНДЕКСАЦИЯ АМАЛГА ОШИРИЛАЯПТИ-Ю, ЛЕКИН...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг омонатлиги ва давлат сугуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги 1996 йил 12 февралдаги қарорининг бажарилишини таъминлаш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ бозори бошқармаси, унинг жойлардаги бўлиналари томонидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Йил бошидан ушбу тизим ташкилотлари орасида индексация масалалари бағишланган қатор йиғилишлар, семинарлар ўтказилди. Бошқарма ва бўлиналарда нивбатчиликлар ташкил қилинди. Барча бўлиналар зарур миқдорда бланка ва омонат дафтларчалари билан таъминланди. Наттижада 265 мингдан зиёд омонат ҳисоб рақамлари очилди, улардаги индексация қилиниши керак бўлган маблағ 551 миллион сўмни ташкил этди. Шу йилнинг 1 июлига келиб Халқ банки Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 145 миң 751 одамга 1 миллиард 870 миллион сўмлик индексация дафтларчалари очиб берилди ва шу кундан эътиборан ушбу маблағларнинг 10 фоизи омонатчиларга нақд пул билан берилди бошланди. 1 июль кунини шу мақсадда 5,2 миллион сўм тарқатилди. Халқ банкининг Хўжайли бўлими ва унинг жойлардаги 13 шохобчалари томонидан 8 июлгача 1526 ҳисоб бети бўйича 2,8 миллион сўм тарқатилди. Бу ерда жами омонатлар ва сугурта индексацияси бўйича 17 миң китига 29 миллион сўм берилиши керак.

Ислохот одимлари НИҲОЯТДА ХАРИДОРГИР

Шовот туманидаги Махтумқули номи жамоа ҳўжайли Хоразм воҳасининг энг чекка ҳудуди — қўшни Туркманiston Республикаси сарҳадлари яқинида жойлашган.

Хўжайликка туркман фарзандининг номи берилганлиги ҳар иккала элнинг азалий дўстлиги ва биродарлик туғиларини янада мустақамлашга хизмат қилапти. Хўжайли ҳудуди орқали ўтувчи давлатларо серкатнон йўл эса ўзаро фойдали савдо-сотик ва ҳамкорлик алоқаларини изчили давом эттириш имкониятларини очаяпти. Бундан ўн йилга муқаддам Россия Федерациясининг Орёл вилоятидаги «Радула» тикчилик бирлашмаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ҳозирга келиб қўйилмадики, саноат уюқлари сони 10 та дан ортиб кетди. Яқинда чекка қишлоқда яна 2 та саноат корхонаси ишга туширилди. Урганч пойаблаги ишлаб чиқариш бирлашмасининг шохобчаси сифатида иш бошланган ушбу оёқ кийимлари корхонаси ўзининг дастлабки маҳсулотини сотувга чиқарди. Фойдаланишга берилган иккинчи корхонанинг маҳсулотини эса ниҳоятда харидорғир. Унда гиламчилик учун зарур муштақам табиий ва сунъий йиллар калаваланди. Воқоадаги мавжуд гилам тўқичи корхоналарида хомаэнинг бу турта талаб катта эканлиги назарда тутилса, фабриканинг нечоғли зарурлиги ўз-ўзидан аён бўлади.


Айни кезларда қишлоқ саноати 100 хилдан зиёд зарур халқ истеъмол моллари тайёрлапти. Уларнинг айримлари хорижга ҳам чиқарилапти. А. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг махсус мухбири.



Пол туманидаги «Турпор» деҳқон-фермер хўжайли ўз фаолиятини 30 бош қорамол боқиси билан бошлаган эди. Ҳозирги кунда мазкур хўжайлик тасарруфда 800 бош қорамол, 60 гектар экин майдони бор. Экин майдонларига чорва моллари учун озуқа экинлари — беда, макка, кунгабоқар, шунингдек, бундоғ эскиб, юқори ҳосил олинмоқда. Фермер хўжайлини йилга 30 тоннадан зиёд ўғитни аҳолига сотаяпти.

Ҳайитбўй АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» мухбири.



Суратда: фермер Отабек Файзов отаси Алжон ака билан.



Тоҳиржон ҲАМРОКУЛ олган сурат.

